
"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида судьялар ҳам фаол

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Ўзбекистон туманининг ҳар бир ҳудудида мева ва манзарали кўчатлар экиш ишлари олиб борилмоқда.

Бу эзгу ташаббус доирасида барча ташкилот ва корхоналар ходимлари ҳам фаол иштирок этяпти.



Жумладан, экологик вазиятни яхшилаш, ҳудудларни яшил маконга айлантириш мақсадида Ўзбекистон тумани судининг судьялари ва суд ходимлари томонидан ҳам кўчат экиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, улар Оқтепадашт маҳалласи ҳудудида мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экишди.



2024-12-10 12:21:44